Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2013-yil, 16-fevral. Shanba • 19 (31.609) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

# ҲИНДИСТОНЛИК МУТАХАССИСЛАР ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси ҳамон хорижий мамлакатлар ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлил доиралари вакилларининг диққат марказида турибди.**

**Ҳиндистонда чоп этиладиган «Political Events» журналининг сиёсий шарҳловчиси Мохан Кришен Дхар** ўзининг шу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, Ўзбекистонда ўтган йили эришилган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт кўрсаткичлари мамлакат раҳбарининг маърузасида батафсил ёритилгани баробарида 2013 йили мамлакат олдида турган вазифалар ва уларни амалга ошириш йўллари аниқ-равшан белгилаб берилганини эътироф қилди. Унинг сўзларига қараганда, Обод турмуш йили доирасида ҳаётга татбиқ этилиши режалаштирилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор тараққиётини таъминлаш, республикамизнинг жаҳон майдонидаги нуфузини янада юксалтириш, минтақамиздаги тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар ўзбек халқининг манфаатларига тўла жавоб беради.

— Ўзбекистон барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини намойиш этмоқда, мамлакат фуқароларининг ҳаёт тарзи ҳам тобора юксалиб бораётир. Ялпи ички маҳсулотнинг жадал суръатда ўсиши, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги изчил ислоҳотлар, чет эл сармоялари ҳажмининг ортиши ва кенг кўламли инфратузилмавий лойиҳаларнинг амалга оширилиши Ўзбекистоннинг ривожланган бозор иқтисодиётига эга демократик давлатга айланиб бораётганидан далолат беради, — деди эксперт.

**Жавоҳарлаъл Неру номли университет ҳузуридаги Халқаро тадқиқотлар мактабининг профессори Кумар Пандей** 2012 йили мамлакатимизда эришилган ижтимоий-иқтисодий муваффақиятлар тўғрисида сўзлар экан, Ўзбекистон салмоқли иқтисодий салоҳият ва тараққий топган инфратузилмага эга эканлигини эътироф этди. «Ўтган йили республикада соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларини ислоҳ қилиш бўйича изчил ислоҳотлар давом эттирилди. Давлат харажатларининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилиб, ушбу маблағларнинг 34 фоиздан ортиғи таълим, 14 фоиздан ошиқ қисми соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялаштиришга йўналтирилгани алоҳида эътиборга молик», дея таъкидлади К.Пандей.

Унинг фикрича, таълим-тарбия соҳасининг яхлит, узлуксиз тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, жумладан, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта-махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълимгача бўлган барча босқичларда юксак билимли ва малакали касб тайёргарлигига эга бўлган авлодни тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш юзасидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган чора-тадбирлар давлат томонидан таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибордан далолат беради.

*(Давоми 2-бетда.)*

**Коллеж битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлашишини назорат қилиш, бу жараёндаги муаммоларни ўрганиш ва улар ечимига хизмат қиладиган таклифлар билан чиқиш ЎзХДПнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади.**



Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

# БИТИРУВЧИЛАРГА МЕҲНАТ БОЗОРИДА ТАЛАБ КАТТА

**Қашқадарё вилояти Косон туманидаги саноат касб-ҳунар коллежида 1152 ўқувчи ишлаб чиқаришнинг турли тармоқлари бўйича касб эгалламоқда.**

Коллежда асосан нефть-газ, пахтани қайта ишлаш, озиқ-овқат саноати ва транспорт хизмати кўрсатиш соҳаси учун мутахассислар тайёрланмоқда. Вилоят ҳудудида, айниқса, Косон туманида бундай корхона ва ташкилотларнинг кўплиги коллеж битирувчиларининг тўлиқ иш билан таъминланишида муҳим омил бўлаётир.

***Суратда:*** *коллеж ўқувчилари (чапдан) Гўзал Қодирова, Улуғбек Ўринов, Зарина Тоҳирова ва Моҳинур Ҳамроева.*

ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ

ҳудудлар ривожига хизмат қилади

⇨ 2

ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ЯНАДА ЯХШИЛАНМОҚДА

⇨ 3



УЧҚИЗИЛ БАҒРИДАГИ МЎЪЖИЗА

Сурхондарёда иссиқ қум билан даволаш йўлга қўйилди

⇨ 4



Тадбир

# ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ ВА МАДАНИЯТ

**Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий техника билим юртида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳамкорликда «Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.**

Унда билим юрти профессор-ўқитувчилари, малака ошириш факультети тингловчилари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, ҳарбий прокуратура ва ҳарбий суд вакиллари иштирок этди. Иштирокчилар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий ва халқаро механизмлари, ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда ички ишлар идораларининг ўрни ва вазифалари мавзуида маърузалар тинглашди.

Мамлакатимизда жадал давом этаётган демократик ислоҳотларнинг асосий мақсади — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этиш ҳамда таъминлашга қаратилган. Уларнинг амалга оширилиши кўп жиҳатдан фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятига боғлиқдир. Бундай тадбирларнинг мунтазам ўтказилиб борилиши инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар ва миллий қонунчиликнинг мазмунини янада чуқурроқ англашга имкон беради.

**Равшан ШОДИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎзХДП: Иш ва фаровонлик барча учун!

# ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА

*таъсирчан жамоатчилик назорати муҳим аҳамиятга эга*





**Коллежни тамомлаб, катта ҳаётга кириб келаётган битирувчи ишга жойлашса, ўз кучи ва салоҳияти билан ютуққа эриша бошласа, эртанги кунга, келажакка ишончи ортади, ҳаётга қараши ўзгаради. Бу жараёнда уни атрофдагилар қўллаб-қувватлаши муҳим ўрин тутади.**

ЎзХДП Хоразм вилоят кенгашида ўтказилган **«Маҳаллийлаштириш дастурлари доирасида янги ишлаб чиқариш корхоналарини яратиш ҳисобига касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ўз мутахассислиги бўйича бандлигини таъминлаш, бу борада таъсирчан жамоатчилик назоратини ташкил этиш»** мавзусидаги амалий семинарда шу ҳақда сўз юритилди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамда ижтимоий ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этган семинарда янги иш ўринлари яратиш имкониятларини ўрганиб, аниқ, асосли таклифларни илгари суриш, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш, меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш, иш берувчи масъулиятини ошириш муҳим вазифалардан экани таъкидланди.

*(Давоми 2-бетда.)*

ЎзХДП ҳаётидан

**Жиззах вилоят партия кенгаши «ЎзХДП Дастурида обод турмуш ва оилалар фаровонлигини таъминлаш масалалари» мавзусида давра суҳбати ўтказди.**

# ДАВРА СУҲБАТИ

**ижтимоий ҳимоя масаласига бағишланди**

Унда партиямиз Дастурида белгиланган вазифаларни изчиллик билан бажариш, электорат ижтимоий ҳимояси йўлида партия кенгашлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада кучайтириш зарурлиги ҳақида фикрлашилди.

Обод турмуш йилида алоҳида қўллаб-қувватлаш ва ёрдамга муҳтож кишилар манфаатларини ҳимоя қилиш, пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг тўғри тақсимланиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш олдимизда турган асосий вазифалардан экани таъкидланди. Бу ишларни изчил ва самарали амалга ошириш учун партия туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда депутатлик гуруҳлари ташаббускор бўлиши талаб этилишига урғу берилди.

Шуни айтиш керакки, реал даромадларнинг ошиши, бандлик масаласини ечиш, давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш партиямиз электорати манфаати самарали ҳимоя этилишига хизмат қилади. Шу боис партия фаоллари ва маҳаллий Кенгаш депутатлари ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда бу масалалар бўйича изчил фаолият олиб бориши зарур, деган хулосага келинди.

**Диёр МУРОДОВ**

Давлатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги олдидан

# ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФЛАР ЗАМИРИДАГИ УЛКАН ҲАҚИҚАТ

**Аҳоли турмуш даражаси кўпинча киши бошига тўғри келадиган даромадга нисбатан ҳисобланади. Лекин фақат моддиятга асосланган бу қараш ҳаёт сифатини тўла ифодалай олмайди. Зеро, аксарият одамлар умр мазмунини фақат бой бўлишда эмас, соғлом ва бахтли ҳаёт кечириш, турмушидан рози бўлиб яшашда, деб билади.**

⇨ 3

ЎзХДП: Иш ва фаровонлик барча учун!





Расулбек САЪДУЛЛАЕВ олган суратлар.

# ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА

## таъсирчан жамоатчилик назорати муҳим аҳамиятга эга

**Таъкидлаш керакки, Хоразм вилоятидаги 80 дан ортиқ коллежни жорий йилда 30 мингга яқин ёшлар тамомлайди. Улар 68 мутахассислик бўйича касб-ҳунар ўрганишмокда, мингдан ортиқ идора-ташкилотларда амалиёт ўтаяпти.** Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик фаолиятини юритишни хоҳловчилар учун 4,2 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратиш режалаштирилган. Вилоятда саноатнинг янги турлари кириб келиши эътиборга олиниб, 41 та коллежда 39 та янги мутахассислик очилган. Уларнинг аксарияти автомобилсозлик тармоғига доир касб-ҳунарлардир.

**Назокат АЛИЕВА,**
***Гурлан маиший хизмат касб-ҳунар коллежи директори:***

— Туманимизда 37 та фермер хўжалиги бор. Битирувчиларни ишга қабул қилишда уларнинг имконияти унча юқори эмас. Тадбиркорларда ҳам вазият шундай. Хизмат кўрсатиш шохобчалари, айниқса, умумий овқатланиш масканларида ишлаётган ёшларни кўп учратамиз. Уларнинг аксарияти, норасмий ишлаяпти. Бу ишчиларга кунбай ҳақ тўлашдан иш берувчи манфаатдор. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги иш ўринларини мониторинг қилиб, ишлайдиганларни қонуний расмийлаштириш керак. Акс ҳолда, улар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб бўлмайди.

Тўғрисини айтганда, биз ҳам битирувчиларнинг бандлигини таъминлашда бироз қийинчиликларга дуч келаяпмиз. Шу боис туманда мавжуд касб-ҳунар коллежлари ихтисослигини эътиборга олган ҳолда янги иш ўринлари ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, маиший хизмат кўрсатиш бўйича янги иш ўринлари очиш имкониятидан туманимизда тўла фойдаланилаётгани йўқ.

**Улуғбек ҲОЖИБЕКОВ,**
***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:***

— Айни пайтда қонунчиликда Меҳнат кодексига киритилаётган ўзгартишлар ходим ва иш берувчи орасидаги ҳуқуқий кафолатлар мустаҳкамланишига хизмат қилади. Муҳокама қилинаётган янги нормаларга кўра эндиликда тижорат ва нодавлат ташкилотлари ҳам меҳнат бозорига кириши белгиланган. Ёки касб-ҳунар коллежи битирувчилари учун дастлабки синов муддати олиб ташланади. Муқаддам ушбу синов муддати айрим иш берувчилар учун қулай эди. Синов муддатини яхши ўтамади, деган баҳонада истаган вақтида ишдан бўшатиши мумкин бўларди. Энди бунга йўл қўйилмайди.

**Боймурод ЮСУПОВ,**
***ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири:***

— Бу йил вилоятда яратилиши режалаштирилган 60 минг иш ўрнининг аксарияти касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун мўлжалланган. Буларнинг манзиллигини таъминлаш учун маҳаллий Кенгаш депутатларидан ўз ваколатлари доирасида ҳар бир иш ўрни бандлигини назорат қилиши талаб этилади. Афсуски, туманларда бу борада сусткашлик кузатилаяпти. **Шуни айтиш керакки, партиямиз янги иш ўрни яратилишидан манфаатдор. Бу бевосита электорат манфаатига хизмат қилади. Бу борада юзага келаётган муаммолар ечими бўйича маҳаллий кенгашлар сессиялари кун тартибига масалалар киритилса, унинг ижроси назоратга олинса, фаолиятимизда самара бўлади.**

**Раимберган САБУРОВ,**
***вилоят партия кенгаши раиси, Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:***

— Яқинда вилоят кенгашидаги доимий комиссия аъзолари бир туманда касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш аҳволини мониторинг қилдик. Афсуски, жойларда йўқ иш ўринларига ишга қабул қилиш ҳоллари ҳамон учраб турибди. Масалан, Шовот туманидаги 25 киши ишлайдиган бир ташкилот раҳбари касб-ҳунар коллежи битирувчиларидан 51 нафарини «ишга қабул қилиш» ҳақида шартнома тузганини қандай баҳолаш мумкин? Бундай кўзбўямачиликлар бошқа туманларда йўқми? Бор, албатта. Бу каби муаммоларни ҳал этиш учун биздан масъулият ва эътибор талаб этилади.

Обод турмуш йилида биз ўз электоратимиз манфаатини самарали ҳимоя этишни истасак, кўпроқ амалий ишлар билан шуғулланишимиз керак. Бу борада энг аввало, бандлик масаласига эътибор қаратишимиз лозим. Партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари ўз ҳудудидаги иқтисодий масалалардан тўлиқ хабардор бўлиши ва таклифлар билан чиқиши талаб этилади.

**Роҳатжон ОЛЛОБЕРГАНОВА,**
***Урганч нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси:***

— Коллежда ишлаётган ўқитувчи, гуруҳ раҳбарлари ҳам битирувчиларни иш билан таъминлаш учун имконият даражасида ҳаракат қилишаяпти. Вақти келса, илм бериш, касб ўргатиш билан бирга, идорама-идора юришга мажбур бўлишаяпти. Мақсад эса битта — талабаларни иш билан таъминлаш, корхоналар билан шартнома тузиш. Шуни айтмоқчи эдимки, бу жараёнда манфаатдор корхоналар раҳбарлари ҳам қатнашишса, меҳнат ярмаркалари коллежларнинг ўзида ташкил этилса, корхона ва ташкилотлар томонидан бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотлар коллежларга тақдим этиб турилса, мазкур масала ечими осон ҳал этилишига эришилади.

**Бу таклиф кўпчиликка маъқул бўлди. Дарҳақиқат, нега фақат коллеж ўқитувчиси уйма-уй, идорама-идора юриши керак? Бизнингча, корхона ва ташкилотлар, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ҳамкорликни кучайтириб, бу масалага жиддий эътибор қаратиши лозим.**

**Семинар шу каби савол ва мулоҳазалар асосида ўтди. Кўриб чиқилган масала бўйича вилоят кенгашининг ҳаракат дастури белгиланди. Унинг самараси эса барчамизга — партия фаоллари, айниқса депутатларимиз бирдамлиги ва ташаббускорлигига боғлиқ.**

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Оила институти: Муносабат

# ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ

## бола келажаги ва тақдири билан боғлиқ масала

**Газетамизнинг аввалги сонларида Фуқаролик процессуал кодексига ва Оила кодексига оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилаётгани, хусусан, болани фарзандликка олиш бўйича янги институт жорий этилаётгани, бунинг ижтимоий аҳамияти ҳақида депутатлар, партиямиз фаоллари, зиёлилар, ҳуқуқшунос олимлар ва газетхонлардан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришини сўраган эдик.**

**Комила КАРОМОВА,**
***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:***

— Болани фарзандликка олиш бўйича суд тартиби жорий қилиниши, бунинг ижтимоий аҳамияти ҳақида кенгроқ тасаввурга эга бўлиш учун дастлаб фарзандликка олиш тушунчасига алоҳида тўхталиб ўтиш керак, деб ўйлайман.

Миллий қонунчилигимизга мувофиқ, фарзандликка олиш ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, зарур ҳолларда, ота-она қарамоғидаги вояга етмаган болаларни уларнинг манфаатларини кўзлаб ўз фарзандлигига олишдир.

Фарзандликка олишда фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчининг жинси, миллати, тили, дини, эътиқоди, шунингдек, келгусида боланинг соғлиғи, унинг жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий ривожланиши учун тўлиқ шароит яратилиши ҳисобга олиниши шарт. Бунда айрим ҳолатларда фарзандсиз оилалар ва фарзандликка олувчи манфаатлари, фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчининг этник келиб чиқиши, ака-ука, опа-сингил эгизакларнинг манфаатлари эътиборга олиниши Оила кодексида белгилаб қўйилган.

Вояга етган эркак ёки аёл фуқаролар фарзандликка олувчилар бўлиши мумкин. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар, қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар, асаб касалликлари ёки наркология муассасаларида рўйхатда турувчилар, қонунда кўрсатилган асослар бўйича фарзандликка олганлиги бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар, қасддан содир этган жиноятлари учун илгари суд ҳукми билан озодликдан маҳрум қилинганлар фарзандликка олишларига қонун билан йўл қўйилмайди.

Оила кодексига мувофиқ, фарзандликка олишни сир сақлаш қонун билан ҳимоя қилинади. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтаридаги ва бошқа ҳужжатлардаги фарзандликка олувчилар фарзандликка олинганларнинг ота-онаси эмаслигини билдирадиган мазмундаги ёзувлар билан таништириш, бу ёзувлардан кўчирмалар ва бошқа маълумотларни фарзандликка олувчиларнинг розилигисиз, агар улар вафот этган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органининг розилигисиз бериш тақиқланади.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларнинг кўриб чиқилиши судлар ваколатига ўтказилиши фарзандликка олиш билан боғлиқ юқорида келтирилган ва қонунчиликда белгиланган тегишли ҳуқуқий механизмларнинг аниқ ва самарали ишлашига шароит яратади.

Фарзандликка олиш суд тартибида амалга оширилиши халқаро тажриба ва миллий қонунчилигимиз принципларига ҳар томонлама мувофиқ келади.

**Меҳри БОБОЕВА,**
***ЎзХДП Ғаллаорол туман кенгаши раиси:***

— Фарзандликка олиш фарзандликка олинаётган боланинг келажаги, тақдири билан боғлиқ жуда муҳим масала ҳисобланади. Болажон халқ вакили сифатида ҳаммамиз буни яхши тушунамиз.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси фарзандликка олиш институтини янада такомиллаштириш бўйича долзарб масалаларни ҳал этишга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Оила кодексининг 151-моддасига мувофиқ, фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг аризасига биноан ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига кўра, туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга ошириб келинмоқда.

Бу эса болаларни фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилишида ҳамма жиҳатларни ҳисобга олиш, фарзандликка олинувчи боланинг келажагини ўйлаб, оқилона қарор қабул қилиш имконияти юқори эмаслигига сабаб бўлмоқда. Чунки ҳоким кўпинча фарзандликка олинувчи ва фарзандликка олувчилар билан учрашмайди. Яъни, улар ҳақида васийлик ва ҳомийлик органлари тайёрлаган материаллар бўйича сиртдан тасаввурга эга бўлгани ҳолда инсон тақдири билан бевосита боғлиқ қарор қабул қилади. Бундай вазиятда айрим субъектив муносабатлар ҳам фарзандликка олиш билан боғлиқ қарорларга таъсир кўрсатиши мумкин.

Болани фарзандликка олиш масалаларининг суд томонидан ҳал қилиниши эса қонуний, асосли ва адолатли қарорлар чиқарилишига, бу борада ҳам одил судлов амалга оширилишига, ота-оналарнинг оила ва болалар олдидаги конституциявий мажбуриятларини тўлиқ бажаришига шароит яратади. Энг муҳими, фарзандликка олинувчи бола ҳуқуқлари ва манфаатларининг ҳимояланиши, ноқонуний фарзандликка олиш ҳолатларига йўл қўйилмаслиги кафолатланади.

Шуни ҳам айтиш керакки, Фуқаролик процессуал кодекси ва Оила кодексига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар миллий қадриятлар ҳамда замон талабларини ҳисобга олган ҳолда оила институтини янада такомиллаштириш, мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

*Фарзандликка олишда фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчининг жинси, миллати, тили, дини, эътиқоди, шунингдек, келгусида боланинг соғлиғи, унинг жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий ривожланиши учун тўлиқ шароит яратилиши ҳисобга олиниши шарт.*

# ҲИНДИСТОНЛИК МУТАХАССИСЛАР ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

— Олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли Ўзбекистон дунёнинг саноқли давлатлари қаторида барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолмоқда, — деди **Ҳиндистон Халқаро тадқиқотлар марказининг Ўрта Осиё ва Россияни ўрганиш дастури профессори Пул Бадан.**

Ҳиндистон илм-фан ҳамжамиятининг вакили сифатида Пул Бадан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йилда қабул қилинган «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонини юқори баҳолашини маълум қилди.

«Ўзбекистонда умум қабул қилинган халқаро талаблар ва мезонларга мувофиқ равишда фан доктори илмий даражасини олиш учун тўғридан-тўғри диссертацияни ҳимоя қилишни назарда тутувчи олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий қилинди. Ривожланган мамлакатлардаги каби, республикада ҳам етакчи олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида тегишли фан йўналишлари бўйича фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар тузилиб, улар юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва илмий тадқиқотлар олиб бориш марказларига айланади», дея ўз фикрини якунлади профессор.

**«Жаҳон» АА,**
*Деҳли.*

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

# ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ

## ҳудудлар ривожига хизмат қилади

*ЎзХДП Навоий вилоят ва Хатирчи туман кенгашлари ҳамкорлигида **«ЎзХДП дастурида обод турмуш тарзи ва оилалар фаровонлигини таъминлаш масалалари»** мавзусида ўқув семинари ўтказилди. Унда партия фаоллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, ижтимоий ҳамкор ташкилотлар вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда электорат вакиллари иштирок этди.*

Семинарда барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада жонлантириш масаласи муҳокама этилиб, амалий ишларни кенгайтириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Зуҳра ОЛТИНОВА,**
***Халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси:***

— Обод турмуш йилида белгиланган вазифалар партиямиз дастурий мақсадлари билан бевосита боғлиқ. Хусусан, 2013 йилда аҳоли фаровонлигини, унинг реал даромадларини ошириш, бандлик масаласини ечиш, давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш асосий вазифалардан этиб белгиланди. Шунинг учун ҳам бугунги тадбирда ижтимоий ёрдамга муҳтож кишилар манфаатларини ҳимоя қилиш, пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг тўғри тақсимланиши устидан депутатлик назоратини кучайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммолар ечими бўйича зиммамизда турган вазифалар юзасидан фикрлашиб олинди. Ҳар бир депутатга ўз сайлов округи бўйича аниқ вазифалар берилди.

Бунда асосан ижтимоий ҳамкор ташкилотлар, хусусан, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан алоқани янада мустаҳкамлаш кўзда тутилаяпти. Шунингдек, «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳасини изчил давом эттириш, пенсия ва нафақаларнинг тўғри тақсимланиши ҳамда манзиллилигини таъминлашда фуқаролар йиғинлари раислари масъулиятини ошириш юзасидан муҳим чоралар ишлаб чиқилди.

**Раҳимберди БОЙМУРОДОВ,**
***Халқ депутатлари Хатирчи туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси:***

— Халқимизнинг ҳаёт сифатини юксалтириш кўпдан-кўп масалаларга, жумладан, янги уй-жойлар, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни бартараф этишга боғлиқ.

ЎзХДП Сайловолди дастурида коммунал соҳада рақобат муҳитини яратиш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш борасида муҳим вазифалар белгиланганини инобатга олсак, бу борада қаттиқ ишлашимиз кераклигини англаймиз. Демак, бу йил туман Кенгаши сессиялари кун тартибига мазкур йўналишда учраётган хато ва камчиликлар ечимига қаратилган таклифларни киритишимиз талаб этилади. Шу орқали электорат манфаатлари ҳимоясига қаратилган муҳим қарорлар қабул қилинишига эришамиз, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга ҳисса қўшган бўламиз.

Семинар давомида, шунингдек, партия Ҳаракат дастурининг ўтган йилдаги ижроси муҳокама этилиб, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда жорий йилдаги вазифалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Илҳом САТТОРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Давлатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги олдидан

# ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФЛАР ЗАМИРИДАГИ УЛКАН ҲАҚИҚАТ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шу боис кейинги пайтларда аҳоли турмуш даражасини аниқлашда одамларнинг реал даромадлари билан бирга уларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши, тиббий хизматдан фойдаланиши, мазмунли ҳордиқ чиқариши учун яратилган имкониятлар, мамлакатдаги тинчлик ва хавфсизлик, одамларнинг эртанги кунга ишончи каби кўплаб жиҳатлар ҳам эътиборга олинмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, халқимиз турмуш даражаси ва ҳаёт сифати мазкур мезонларга тўла мос келади. Бу етакчи халқаро ташкилотлар ҳамда экспертлар томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» маърузасида Буюк Британиянинг халқаро миқёсда тан олинган Легатум институтининг Фаровонлик ва ривожланиш индексида Ўзбекистон дунё мамлакатлари орасида ҳақли равишда 64-ўринга киритилгани алоҳида таъкидланди.

Маълумки, мазкур индекс (The Legatum Prosperity Index) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Жаҳон савдо ташкилоти каби нуфузли муассасаларнинг статистик маълумотлари, ижтимоий тадқиқотлар ва экспертлар нуқтаи назари асосида тузилади. Таҳлилларда ижтимоий ҳаёт фаровонлигини таъминлайдиган энг муҳим саккиз соҳа — иқтисодиёт, тадбиркорлик, бошқарув тизими, таълим, соғлиқни сақлаш, хавфсизлик, шахсий эркинлик ва ижтимоий сармояга оид жуда муҳим параметрлар ҳисобга олинади.

Сир эмас, собиқ тузум даврида Ўзбекистон аҳолисининг ҳаёт даражаси бўйича энг қолоқ ўлкалардан бири эди. Юртимизга фақат хомашё ҳудуди сифатида бир томонлама қараларди. Ўзбекистонга товар олиб келиш ва олиб чиқиш, коммуникациялар қуриш йўллари ҳам берк эди. Бундай шароитда иқтисодиётнинг ривожланиши, одамлар турмуш даражасининг яхшиланиши ҳақида гапириш ортиқча эди.

Давлатимиз раҳбарининг ҳар томонлама чуқур ўйланган, жаҳон тажрибаси ва мамлакатимизнинг ички имкониятларидан келиб чиқиб амалга оширилган иқтисодий сиёсати халқимизни ана шундай кескин инқироздан беталафот олиб ўтиш имконини берди. Марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам берилиб, бозор иқтисодиётининг асослари шакллантирилди.

Ўзбекистон иқтисодиёти йигирма йил давомида 3,5 баробардан зиёд ўсди. Шу даврда мамлакатимиз аҳолиси қарийб 9 миллион кишига кўпайиб, 30 миллионга яқинлашганини инобатга олсак, бу кўрсаткичнинг аҳамияти янада яққол намоён бўлади.

Қолаверса, бу даврда халқимиз оғир қийинчиликлар, муаммо ва таҳдидларни енгиб ўтишига тўғри келди. 2008 йилда жаҳон иқтисодиётида рўй берган ва ҳали-бери давом этаётган глобал инқироз мамлакатимиз учун ҳам навбатдаги синов бўлди.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш, иқтисодиётни модернизация қилиш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилгани ўз самараларини берди. Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор суръатлар билан ривожланди, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлиги ва мутаносиблиги таъминланди, аҳоли турмуш даражаси изчил юксалди.

Мазкур инқироз шароитида, яъни охирги беш йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръати дунёдаги саноқли давлатлар қаторида 8,2 фоиздан кам бўлмаган даражани ташкил қилди. Жумладан, 2012 йилда аҳолининг даромадлари миқдори 17,5 фоизга, энг кам иш ҳақи 26,5 фоизга ошди. 2000 йил билан таққослаганда, реал даромад аҳоли жон бошига 8,6 баробар кўпайди.

Бугун оилаларнинг 97 фоизи ўз уйига, ҳар уч оиладан бири шахсий автомобилига эга. Аҳолининг 90 фоизи узоқ муддат фойдаланиладиган барча асосий товарлар билан таъминланган.

Бундай натижаларга эришишда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бунинг учун қулай шарт-шароитлар яратиш, имтиёз ва преференциялар бериш, соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар муҳим омил бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бундан 20 йил аввал Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик деган тушунчанинг ўзи йўқ эди. Оддий хўжалик совуни ёки гугурт ҳам юртимизга бошқа мамлакатлардан олиб келинарди. Бугун эса «Made in Uzbekistan» белгисига эга кенг турдаги товарлар, маиший-техника воситалари, енгил саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари бозорларимизни тўлдириб, хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳолини сифатли товарлар билан таъминлаш, экспорт таркибида юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни кўпайтириш, замонавий хизмат кўрсатиш, ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш ва шу асосда аҳоли даромади ҳамда фаровонлигини оширишда етакчи кучга айланиб бораётир.

Ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 54 фоизи, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 22 фоизи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бу, аввало, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, одамлар эркин нафас оладиган жамият барпо этилганидан далолатдир. Бир пайтлар ўзининг хусусий корхонаси ёки ўз ерига эга бўлиш тугул, уйида чопон ёки дўппи тикишга ҳам чўчиган ҳамюртларимиз бугун тадбиркорлик, ҳунармандчилик билан эмин-эркин шуғулланмоқда. Хориждан ҳамкорлар топиб, ўз товарини ўзи сотмоқда.

Бундай ислоҳотлар давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, маъмурий органларнинг ваколатларини қисқартириш, ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантириш сингари бошқа соҳаларда ҳам амалга оширилмоқда. Президентимиз томонидан баён этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ғоя ва қонунчилик ташаббуслари бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Фаровонлик ва ривожланиш индексини белгилашда таълим тизимига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидламоқ жоиз. Негаки, глобаллашув жараёни кенг тус олаётган, дунё бозорида рақобат кучайиб бораётган XXI асрда юксак интеллектуал бойликка, ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук авлодга эга бўлган халқ узоққа бора олади. Халқаро индексдаги ушбу соҳага оид таҳлиллар эса айнан шуни — эртага ким қандай ўринда бўлишини, давлатларнинг истиқболдаги ривожланишини кўрсатади.

Ўзбекистон бу борадаги кўрсаткичлар бўйича ҳам дунё мамлакатлари орасида юқори ўринларни эгаллаб турибди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг расмий сайтидаги қуйидаги маълумот ҳам буни тасдиқлайди: «Ўзбекистон аҳолининг ялпи саводхонлигига эришган. Аҳолининг саводхонлиги 1991 йилдаги 97,7 фоиздан 2003 йилда 99,3 фоизга етди. Ўрта махсус ёки олий маълумотга эга катта ёшли аҳоли 75 фоиздан ошди».

Бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Жаҳоннинг кўплаб давлатларида турли ижтимоий-иқтисодий муаммолар сабаб болалар таълим жараёнига тўла қамраб олинмаётган бугунги кунда юртимиз аҳолисининг саводхонлиги қарийб 100 фоизга етиши, уларнинг катта қисми олий маълумотга эга экани халқимизнинг улкан ютуғидир. Бундай натижалар, вақти келиб, ижобий маънодаги «портлаш эффекти»ни, яъни ўзининг юксак самараларини беради, албатта.

Мамлакатимиз таълим тизими ҳақида сўз юритганда, Франциядаги дунёнинг энг яхши бешта бизнес мактаби қаторига кирадиган «Инссад» халқаро бизнес мактабининг 2012 йилги «Инновацияларнинг глобал индекси» маърузасида баён этилган маълумотларни келтириш ўринли. Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда тайёрланган ушбу маърузада Ўзбекистон 141 мамлакат орасида инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўйича 35-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса 2-ўринни эгаллади.

Бу Юртбошимиз раҳнамолигида замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларнинг натижасидир.

Бундай эътирофларни мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими ва соҳадаги ислоҳотлар бераётган юксак самаралар тўғрисида ҳам кўплаб келтириш мумкин. Замонавий шифо масканлари бунёд этиш, тиббий хизмат сифатини ошириш, касалликларнинг олдини олиш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, болалар спортини ривожлантириш каби йўналишларда амалга оширилаётган ишлар кўлами шунчалик кенгки, уларнинг ҳар бири алоҳида мақолага мавзу бўла олади.

Ҳар йили давлат харажатларининг салмоқли қисми соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришга ажратилаётганининг ўзи тизимга бўлган эътиборни яққол намоён этади. Хусусан, 2012 йилда бюджетнинг 14,5 фоиздан кўпроғи ушбу соҳани молиялаштиришга йўналтирилган.

Жорий йилда ҳам обод турмушнинг муҳим шарти сифатида инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, бунинг учун соғлиқни сақлаш тизимини замонавий даволаш воситалари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, касалликларнинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш масалалари устувор вазифа бўлиб қолади.

Инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири бу яшаш ҳуқуқидир. Уни таъминлашнинг муҳим шарти эса тинчлик-осойишталик, барқарорлик ва хавфсизликдир. Дунёдаги вазият шиддат билан ўзгариб, хавфсизликка нисбатан таҳдид ва хатарлар тобора кучайиб бораётган бугунги кунда бу ҳаётий омилларнинг аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам ортиб бормоқда.

Яқинда бир манбада ўқиб қолдим: тарих давомида бутун дунёда атиги 25 йил умумий тинчлик бўлган экан. Қолган пайтларда турли минтақа ва мамлакатларда катта-кичик низолар, урушлар тинмаган.

Бир қарашда бу гапга ишониш қийиндек. Лекин бугун дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни, турли шакл ва мақсадлардаги низолар, ошкора ва яширин урушларни мулоҳаза қилиб кўрсак, унинг ҳақиқат эканлигига амин бўламиз.

Инсоният тараққиётнинг юксак даражасига етган бугунги кунда ҳам умумий тинчликка эриша олмаяпти. Қонли можаролар, миллатлараро ва динлараро низолар, терроризм, экстремизм ва наркотрафикнинг кучайиши давом этмоқда. Давлатларнинг азалий қардошлиги ва яқин ҳамкорлигини кўролмайдиган, тараққиётнинг орқага кетишини истайдиган, шу йўл билан ўз мақсадларига эришишни кўзлайдиган ғаразли кучлар турли келишмовчилик ва нотинчликларни келтириб чиқаришга уринмоқда.

Бунга қайсидир маънода эришиляпти ҳам. Иқтисодиёти барқарор ривожланаётган, халқи тўқ яшаётган баъзи давлатларда ур-сурлар сабаб ҳаёт издан чиқди. Уй-жойлар, ижтимоий объектлар вайронага айланди. Одамлар хотиржам дам олиш ёки фарзандлари келажагини эмас, жонини омон сақлашни ўйлаб яшамоқда. Эртанги кунга ишонч ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади.

Минг шукурки, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ҳукмрон. Одамлар қалбида — хотиржамлик. Президентимиз томонидан мустақиллигимизнинг биринчи йилларидан бошлаб амалга оширилаётган стратегиянинг асоси ҳам ана шу мақсадга қаратилган. Давлатимиз раҳбари «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида таъкидлаганидек, биз барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаётга эришиш йўлида ўз олдимизга қандай режа ва дастурларни қўймайлик, барча олижаноб орзу-интилишларимизни амалга оширишнинг ягона шарти ва гарови — бу тинчлик ва осойишталикдир.

Халқимиз юртимизнинг мустақил тараққиёт йўлида эришган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги муваффақиятларига юқори баҳо бермоқда ва бундан ҳақли равишда фахрланади. Аҳолининг турмуш даражаси ва сифати, халқ фаровонлиги юксалаётганини таъкидлаб, келажакка катта ишонч билан қарамоқда. Одамларнинг ўзига ўзи шундай баҳо бериши кўп нарсани англатади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, халқимизнинг тинимсиз меҳнати, мардлиги ва матонати эвазига қўлга киритган бундай ютуқлардан ва марралардан ҳар қайсимиз фахрланиб, бошимизни баланд кўтариб яшашга ҳақлимиз.

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

Ободлик

**Қорақалпоғистон заминида сувнинг ҳар бир томчиси ҳисобли, қадрли. Шунинг учун бу ерда одамлар бир-биридан ҳол-аҳвол сўраганда «Дарёда сув мўлми?» деган иборани албатта ишлатади. Тилак билдирсалар «Дарёда сув мўл бўлсин», дейди. Хўш, Қорақалпоғистонда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан қандай ишлар олиб борилмоқда? Айниқса, қишлоқ аҳолисининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжи қандай қондирилмоқда?**

**Биз шу каби саволлар билан «Қорақалпоққишлоқхўжаликсувтармоқлари» бошқармаси мутахассисларига мурожаат қилдик.**

# ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ЯНАДА ЯХШИЛАНМОҚДА



— Давлатимиз қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш учун катта ишларни амалга оширмоқда. Ҳозирда Қорақалпоғистонда жами 1132 та қишлоқ мавжуд бўлиб, унда 840 416 нафар киши истиқомат қилади. Шундан 491 та қишлоқ аҳоли пунктида 447 681 нафар киши марказлашган ичимлик суви билан таъминланган. Бу эса қишлоқ аҳолисининг 53,2 фоизини ташкил этади, — дейди **бошқарма бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи Уразбай Ешмуратов.** — Қишлоқ аҳолисини узлуксиз ичимлик суви билан таъминловчи 15 жойда ер ости чучук сувини йиғувчи қурилмалар ва 65 жойда ҳар бирининг қуввати кунига 100 метр куб ер ости тузли сувини тозаловчи 215 дона ускуналар мунтазам равишда ишлаб турибди. Сув тармоқларининг умумий узунлиги 3142 км. бўлиб, шундан 797 км. магистрал ва 2345 км. ички сув тармоқларидан иборат.

Республика бюджети маблағи ҳисобидан биргина ўтган йили инвестиция дастури асосида 4220 млн. сўмлик умумий узунлиги 53,4 км. сув тармоқлари қуриб, фойдаланишга топширилиши натижасида 12009 нафар киши тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Шунингдек, Осиё тараққиёт банки кредити ҳисобидан «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг ичимлик суви таъминотини ривожлантириш» лойиҳаси бўйича Амударё, Беруний, Кегайли, Хўжайли ва Шуманай туманларида қиймати 14662,61 минг АҚШ долларлик ичимлик суви тизимини ривожлантириш ва реконструкциялаш ишларининг татбиқ этилиши режалаштирилган. Ушбу лойиҳа айни пайтда изчил амалга оширилмоқда.

— «Қорақалпоққишлоқхўжаликсувтармоқлари» бошқармасининг Хўжайли бўлимига қарашли сув тармоқларининг умумий узунлиги 54 километрни ташкил этади, — дейди **бошқарманинг Хўжайли туман бўлими бошлиғи Қодир Данияров.** — 2012 йилда «Жанажап» овул фуқаролар йиғинидаги «Донизли» ва «Торежан» овулларига 3,3 км. сув тармоқлари тортилиб, 70 та оилага тоза ичимлик суви етиб борди. Ўтган йили 850 метр масофада намунавий уй-жойларнинг 26 тасини сув билан таъминлаган бўлсак, 2013 йилда 50 та намунавий уй-жойларга узлуксиз сув етказиб беришни режалаштирганмиз.

— Мен 2009 йили 4 хонали уйни кредитга олган эдим, — дейди **фуқаро Қидирбой Файзуллаев.** — Ҳозирги пайтда хонадонимизда барча шароитлар муҳайё. Тоза ичимлик суви таъминотида ҳам муаммо йўқ.

Сув — ҳаёт манбаи. Бугунги кунда бутун жаҳонда тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Ундан тежаб-тергаб фойдаланиш, сув исрофгарчилигига йўл қўймаслик барчамизнинг вазифамиз.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ,**
**Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари.**

Реклама

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

# САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

*Реконструкция қилиниши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича*

**ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| № | Объект номи ва жойлашган манзили | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Самарқанд шаҳар, Чуқурйўл кўчаси, 112-уйда жойлашган «Пост патруль хизмати» батальонини реконструкция қилиш | 3 433 721 366 сўм | 4 120 465 639 сўм | 16 ой |
| Қурилиш ишлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. | | | | |
| № | Объект номи ва жойлашган манзили | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан | Қурилиш муддати |
| 1. | Булунғур туман тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш, 20 ўринли гинекология бўлими қурилишини тугатиш, 100 қатновга мўлжалланган марказий поликлиника, марказий стерилизация пункти қурилиши ва барча бўлимларини капитал таъмирлаш (қолган иш ҳажмлари) | 3 007 500 000 сўм | 3 609 000 000 сўм | 210 кун |
| 2. | Самарқанд туман тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш, марказий стерилизация, кир ювиш хонаси ва барча бўлимларини капитал таъмирлаш (қолган иш ҳажмлари) | 3 638 250 000 сўм | 4 365 900 000 сўм | 210 кун |

*Қурилиш ишлари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.*

***Савдо ташкилотчиси*** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

***Буюртмачи***: Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

***Манзили***: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй. телефон: (8366) 235-82-86.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: ***Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус -2Д, 403-хона. тел. 231-13-51, факс: 233-32-00.***

**Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.**

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси биносида соат 10-00 да ўтказилади.

Табиат шифохонаси

# УЧҚИЗИЛ БАҒРИДАГИ МЎЪЖИЗА

## *Сурхондарёда иссиқ қум билан даволаш йўлга қўйилди*

**Сурхондарёнинг табиати ўзига хос, сеҳрли, ранг-баранг. Бир пайтнинг ўзида қиш, баҳор, ёз фаслини учратиш мумкин. Воҳани уч томондан виқорли тоғлар ўраб туради. Сангардак шаршарасининг камалакранг сувлари бетакрор ва ажиб фусункорлиги билан кўзларни қувнатиб, дилларга ҳузур бахш этса, Кўҳитангтоғ бағридаги йўлни кўрган одам табиатнинг синоатига қойил қолиши шубҳасиз. Бу ерда ҳар қандай уловнинг тепадан пастга эмас, балки пастдан тепаликка қараб ўз-ўзидан ҳаракатланиши мўжизанинг ўзгинаси.**

Бироқ Жарқўрғон туманидан Термиз шаҳригача бўлган ҳududнинг маълум қисмида оқ, қизил, сарғиш ва бошқа рангда товланувчи бепоён қумликлар ҳақида алоҳида тўхталмасликнинг иложиси йўқ. Республика саломатликни тиклаш физиотерапия илмий текшириш институтининг Термиз филиали (Учқизил) олимлари ушбу қумликларнинг шифо хусусиятини илмий жиҳатдан исботлаб берди.

— Бугунги кунда иссиқ қум билан даволаш, яъни псамматерапия энг самарали усул, — дейди шифокор Равшан Мирзаев. — Буни жаҳон тиббиёти ҳам тан олмоқда. Учқизил қуми майда, тоза ва таркибида кўплаб кимёвий унсурлар борлиги ҳамда бошқа жойлардагидан тубдан фарқ қилиши билан бирга, жануб офтобида тез қизиб, узоқ вақт совимайди. Шу боисдан табиатнинг бу ноёб неъмати шамоллаш, сурункали оғриқ, остеохондроз, радикулит, асаб тизими бузилиши, бош мия шикастланиши, бепуштлик, эркакларда простатит безининг яллиғланиши, қандли диабетнинг бошланғич даври, бўғинлар оғриғи ва бошқа талай касалликларни даволашда қўл келмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, даволаниш ишларини ёз ойларида олиб бориш афзал. Шу даврда қумликларда ўртача ҳарорат 62-65, ҳатто 70 даражагача кўтарилади. 5 сантиметр чуқурликдаги қум 42-45 даражагача қизийди. 10 сантиметр пастликда бу кўрсаткич 32-42 гача етиши мумкин. 15 сантиметрда 34-39, 20 сантиметр ва ундан чуқурликда эса 33-36 даражага боради. Даволаш жараёнида қумнинг иссиқлиги, оғирлиги, қуруқлиги, ундаги микроэлементларга алоҳида аҳамият берилади.

Беморга шифо бериш учун аввал 2х1 метр кенглик, 40-50 сантиметр чуқурликда махсус жой ҳозирланади. Қум офтоб тиғида 2-3 соат қизигач, ундан яна 5 сантиметр олинади. Шундай қилиб, иссиқ қумли ванна тайёр бўлади. Беморнинг қон босими, юрак уриши, тана ҳарорати, нафас олиш ва бошқа ҳолатлар яна текширувдан ўтказилгач, махсус ўрага бошга ёстиқча қўйилган ҳолда ётқизилади. Юрак соҳаси ва чап қўл (қон босимини ўлчаш учун) кўмилмаган ҳолда, танага 6-10 сантиметр қалинликда қум тўшалади. Тепага соябон қўйилиши лозим. Иссиқ қумли ванна шу тарзда танадаги барча оғриқ ва асоратларни ўзига «тортиб» олади.

— Бу усул оддий, самарали эканлиги билан менга манзур бўлди, — дейди Олтинсой туманининг «Ҳайрондара» маҳалласида истиқомат қилувчи Баҳодир Қайнаров. — Учқизилдаги ноёб ва нодир қумда 8 кун даволангандан кейин 5 йилдан буён азоб бераётган оёқ оғриғидан буткул халос бўлдим.

— Умуртқа поғонадаги оғриқ туфайли уч йил ётиб қолдим, — дейди Узун туманининг «Қўланқўл» маҳалласида истиқомат қилувчи Сафар Нуруллаев. — Кўп даволандим, фойдаси бўлмади. Тузалишдан умидимни ҳам узгандим. Ўтган йилнинг ёзида эса Учқизилга олиб боришди. Иссиқ қум қабул қилганимнинг биринчи куниёқ ўзгариш сезила бошлади. Учинчи куни оёққа турдим. Учқизилнинг мўъжизавий қуми мени соғлом ҳаётга қайтарди.

— Қум ваннасини ҳар куни ёки кунора қабул қилиш мумкин, — дейди тажрибали шифокор Юнус Ўроқов. — Умумий вақт 10-15 дақиқа (болаларга 5-10 дақиқа) тавсия қилинади. Маҳаллий ванналарда эса (қўл, оёқ ва белгача кўмилади) бу муддат бир соатгача давом этиши мумкин. Шуни ҳам унутмаслик лозимки, тана ҳароратининг кўтарилиши билан кечадиган барча ҳолатлар, зўриқиш, юрак-қон-томир, сил, тери, ошқозоности ва 12 бармоқли ичак яраси, онкологик ҳамда айрим ички хасталиклар билан оғриганларга иссиқ қум билан даволаш тавсия этилмайди. Ҳомиладорликнинг барча даврида ҳам бу мумкин эмас.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Болалар спорти

**Наманган шаҳридаги Олий спорт маҳорат мактабида кўплаб спорт усталари, мамлакатимиз терма жамоалари аъзолари, чемпионлар етишиб чиққан.**



# ЧЕМПИОНЛАР МАКТАБИ

Мактабда спортнинг бокс, дзюдо, эркин кураш, юнон-рум кураши, белбоғли кураш, кураш, оғир атлетика, волейбол сингари ўнлаб турлари бўйича машғулотлар ўтказиш учун барча шароит мавжуд. 2010 йилда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган мукаммал таъмирлаш ишларидан сўнг мактаб муҳташам спорт мажмуасига айланди. 2012 йили мактаб спортчилари турли миқёсдаги турнирларда 24 олтин, 26 кумуш ва 31 бронза медалини қўлга киритди.




***Суратларда:*** *(юқоридан) мураббий Абдулло Салимов шогирди Сайфиддин Усмонов билан; навбатдаги машғулот.*

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

Футбол

# «СЎҒДИЁНА» МУХЛИСЛАР УЧУН ЎЙНАЙДИ



**Шу йилнинг 2 март куни футбол бўйича Ўзбекистон XII миллий чемпионати олий лига учрашувлари бошланади. Айни пайтда «Бунёдкор», «Пахтакор», «Насаф», «Нефтчи», «Бухоро», «Металлург» футболчилари янги мавсум олдидан хорижда ўқув-машғулотлар йиғинларини ўтказаётган бўлсалар, қолган жамоалар эса мамлакатимиз пойтахтида ҳозирлик кўрмоқда.**

***Жумладан, бир неча йиллик танаффусдан сўнг, яна кучлилар сафига қўшилган Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоаси Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси кубоги мусобақасида қатнашиш орқали чемпионат учрашувларига тайёрланяпти.***

***Биз жиззахликлар бош мураббийи Даврон Файзиев билан мавсум тараддуди, жамоа таркибидаги ўзгаришлар ва келгуси режалари хусусида суҳбатлашдик.***

— Янги мавсум нафақат жамоа, балки ўзим учун ҳам имтиҳон бўлади, — дейди у. — Чунки бош мураббий сифатида олий лигада илк «дебют»имни ўтказаман. Яқинда мураббийлик бўйича Ўзбекистон футбол федерацияси қошида ташкил этилган ўқув курсларида малакамни ошириб, «А» лицензияси сертификатини олдим. Албатта, «Сўғдиёна» жамоасининг ўз мухлисларини қувонтириши, чиройли ва ҳужумкор ўйин намойиш қилиши учун чемпионат баҳсларига пухта ҳозирлик кўриши талаб этилади. Айни пайтда режа асосида янги мавсумга тайёрланаяпмиз. Дастлабки йиғинларни Зомин ва Жиззахда ташкил этдик. Шу ойнинг бошидан ўқув-машғулотларимизни Тошкентда давом эттираяпмиз. Мазкур йиғин доирасида пойтахтда бир қатор ўртоқлик учрашувларида, шунингдек, ПФЛ кубоги мусобақасида майдонга тушяпмиз. Унда жамоа ўйинини шакллантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

**— Таркибда қандай ўзгаришлар бор?**

— Ҳозир жамоанинг ҳар бир чизиғига олий лигада ўйнаган бир неча тажрибали футболчиларни жалб этиш ҳақида бош қотиряпмиз. Бунда аввало футбол клубимизнинг молиявий имкониятларини ҳисобга олишимиз зарур. Айни пайтда ўтган мавсумда бошқа жамоалар шарафини ҳимоя қилган дарвозабон Александр Меленчук (Молдова), Илёс Қурбонов («Металлург»), Азамат Алланиёзов («Насаф») каби футболчилар таркибимизда кўрикдан ўтишмоқда.

**— Маълумотларга қараганда, «Сўғдиёна» футболчилари уй учрашувларини Жиззахдаги стадионда ўтказмаслиги мумкин экан?...**

— Ҳа, шундай. Айни кунларда Жиззахдаги «Сўғдиёна» стадионида реконструкция ва қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Бу спорт иншооти 2014 йилда ўз фаолиятини бошлаши кутиляпти. Шу боис, янги мавсумда жамоамизнинг уй учрашувларини яқинда Зоминда қуриб фойдаланишга топширилган стадионда ўтказишни режалаштиряпмиз. Жамоамиз учун қайси стадионда эмас, қандай ўйнаш муҳим. «Сўғдиёна» ўз анъанасига ва кўпсонли мухлисларига эга жамоа саналади. Миллий чемпионат олий лигасида 1992 йилда бронза медаль билан тақдирланган жиззахликлардан ишқибозлар яна чиройли ўйин ва ғалабалар кутишга ҳақлидирлар. Янги мавсумда ана шу ишончни оқлашга интилиб, кучлилар қаторида ўз ўрнимизга эга бўлишни олдимизга бош мақсад қилиб қўйганмиз. Бир сўз билан айтганда, «Сўғдиёна» мухлислар учун ўйнайди!

**Эркин ХОЛБОБО**
**суҳбатлашди.**

Кўргазма

**Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон халқ рассоми Муборак Йўлдошев асарлари кўргазмаси ташкил этилди.**

# ДОСТОНЛАР КУЙЧИСИ

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Бадиий академияси раисининг ўринбосари Ж.Миртожиев, Ўзбекистон халқ рассоми А.Мирзаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маданият ва санъат ривожига қаратилаётган улкан эътибор ижодкорлар меҳнатини қўллаб-қувватлаш, «устоз-шогирд» анъаналарини давом эттириш, ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол этиб вояга етказишдек улуғвор мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Бу жиҳатлар мусаввир Муборак Йўлдошев фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Саксонинчи баҳорни қарши олаётган мусаввир олий таълим даргоҳини тамомлаб, юртимиздаги бир қатор театр жамоаларида саҳна рассоми бўлиб ишлаган. «Тоҳир ва Зуҳра», «Самарқанд афсонаси», «Равшан ва Зулхумор», «Зафар», «Ёрилтош» сингари кўплаб спектаклларга ёрқин декорациялар яратган. Кўп йиллар давомида талабаларга тасвирий санъат сабоқларидан дарс берган. Мусаввир меҳнати давлатимиз томонидан юксак баҳоланиб, 2000 йилда Ўзбекистон халқ рассоми унвонига сазовор бўлди.

— Истиқлол барча мўйқалам соҳиблари каби менга ҳам эркин ва самарали меҳнат қилиш учун имкониятини берди, — дейди М.Йўлдошев. — Миллий меросимизни асраб-авайлаш, қадимий ва бой анъаналаримизни тиклаш, уларнинг мазмун-моҳиятини томошабинларга етказиш масъулияти кўплаб янги асарлар яратишимга туртки бўлди.

Кўргазмада М.Йўлдошевнинг саҳнавий безаклари ва декорациялари, либослар эскизлари, халқ достонлари ва ривоятларга ишланган картиналари, кўҳна шаҳару қишлоқларимиз, обод Ватанимиз манзаралари, меҳнатсевар ҳамюртларимиз тасвирланган икки юздан ортиқ асари намойиш этилмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Эълон

# ДЕПОЗИТАРИЙ-ТРАНСФЕР-АГЕНТ-ИНВЕСТИЦИЯ МАСЛАҲАТЧИСИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДА

***Депозитарий «TSIAR-DEPO» масъулияти чекланган жамияти «Ахборот-таҳлил ишлари маркази» маслаҳат гуруҳига кириб, 1996 йилдан буён қимматли қоғозлар бозорида профессионал тарзда фаолият олиб бормоқда. Жамият қимматли қоғозлар бозори мижозларига қуйидаги хизматларни таклиф этади:***

- **Депозитарий фаолияти**
- **Трансфер-агент фаолияти**
- **Инвестиция маслаҳатчиси фаолияти**

1.Жамият депозитарий фаолиятини олиб боришда мижозларга тегишли қимматли қоғозларни сақлаш, ҳисобини юритиш ва ушбу қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларини тасдиқлаш бўйича хизматлар кўрсатади.

2.Жамият трансфер-агент фаолиятини амалга оширишда акциядорлик жамиятларига қуйидаги хизматларни кўрсатади:

акциядорлик жамиятининг қимматли қоғозлар эгалари реестрларини шакллантириш юзасидан расмий талабларини Марказий депозитарийга топшириш; трансфер-агент томонидан тақдим этилган акциядорлик жамиятининг расмий талаблари бўйича шаклланган қимматли қоғозлар эгаларининг реестрларини Марказий депозитарийдан қабул қилиб олиш; марказий депозитарийдан олинган қимматли қоғозлар эгаларининг реестрларини акциядорлик жамиятига етказиб бериш; акциядорларнинг умумий йиғилишларини ташкил этиш ва ўтказиш; акциядорлар регистрация рўйхатини тайёрлаш; овоз бериш бюллетенларини қоғозга чиқариш; дивидендлар бериш ведомостларини қоғозга чиқариш.

3.Шунингдек, инвестиция маслаҳатчиси фаолият кўрсатишда корхоналарнинг қуйидаги масалалари бўйича хизматлар кўрсатади:

корхоналарнинг устав фонди қўшимча акциялар чиқариш орқали оширилганда;

корхоналар Кузатув кенгаши ва умумий акциядорлар йиғилишини ўтказиш тадбирларига; мижозларнинг қимматли қоғозлари, эмиссия проспектларини чиқариш (қўшимча чиқариш) тўғрисидаги қарорларни тайёрлашга ёрдам бериш; чиқарилган қимматли қоғозларни Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича керакли ҳужжатларни тайёрлаш; қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа ахборот турларини тайёрлаш ва тақдим қилиш.

***Манзил:* Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 38-уй.**
***Тел/факс:* (99871) 281-52-20, (99871) 281-56-55**
***Хизматлар лицензияланган***

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY’ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G‘ULOMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug‘bek MUSTAFOYEV, Tat’yana KISTANOVA (Bosh muharrir o‘rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO‘LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma’naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ‘ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e’lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.

*Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.*

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

**Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**
«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 246
*19991 nusxada bosildi.*
*Nashr ko`rsatkichi – 220*
*t — Tijorat materiallari*
O‘zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 23.50

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG‘ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5